

### 1-3 ЁШ ДАВРИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ АКЛИЙ РИВОЖЛАНИШИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10070946>

*Тайёрлади уқитувчилар – Зияева М.А., Эркинова Т.Ш., Исакова Г.К.*

*Ўзбекистон республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий таълимни  
ривожлантириш маркази*

*Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва  
уларни ихтисослаштириш маркази филиали*

Шуни алохида кўрсатиш жоизки 1,6-3 ёш бу нутқ ривожланиши учун сензетив давр ҳисобланади. Бу давр аклий ривожланиш асосини идрок ва тафаккур ҳаракатларининг янги кўринишлар ташкил этади. 1 ёшли бола хали предметларни кетма-кет, системали равишда кўриб чиқа олмайди. У асосан предметнинг қандайдир бир кўзга ташланиб турадиган белгисига ўз эътиборини қаратади ва предметларни шу белгиларига кўра танийди. Кейинчалик янги идрок ҳаракатларини эгалланиши боланинг предметли ҳаракатларини бажаришдан кўз билан чамалаб ҳаракат қилишига ўтишда намоён бўлади энди у предметнинг бўлақларини ушлаб кўрмасдан чамалаб идрок эта олади. 2,5-3 ёшли бола катталарнинг берган намунаси ранги шакли ва катталигига кўра айнан шундай предметларни чамалаб идрок этган ҳолда тўғри топа олади. Болалар аввал шаклига, сўнгра катталигига ва шундан сўнгина рангига қараб ажрата оладилар. Бу жараенда бола бир ҳил хусусиятга эга бўлган жуда кўп предметлар борлигини тушуна бошлайди. Лекин бола расм чизишни бошлаганида предметларни рангини эотиборга олмайди ва ўзига ёқадиган ранглардан фойдаланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишига 2,5-3 ёшли бола 5-6 та шаклини (доира, квадрат, учбурчак, тўғрибурчак, кўпбурчак) ва 8 тил рангни (қизил, қовоқ сариқ, яшил, кўк, сиёхранг, оқ, қора) идрок этиши мумкин. Ранг ва шаклларнинг ишлатилиши жихатидан турли ҳил нарсаларда турлича бўлиши сабабли бу ёшдаги болалар уларни идрок этганлари билан номларини аниқ билишлари ва ўз нутқларида ишлата олишлари бирмунча қийинроқ. Катталарнинг бу ёшдаги болалардан шу ранг ва шаклларни эслаб қолишини талаб этишлари нотўғри бўлиб, бунинг учун мос давр бу 4-5 ёш ҳисобланади. Бу ёшдаги болалар сўзлардаги барча товушларни идрок эта оладилар.

Бола 3 ёшигача ўзлаштирган сўзлар асосан предмет ва ҳаракатларнинг номларини билдиради. Номлар асосан унинг функциясини аңлатиб бу

предмет ёки ҳаракатнинг ташқи кўриниши ўзгарса ҳам унинг номи ўзгармайди. Шунинг учун ҳам бола предметларнинг номларини ишлатилишини функцияларига боғлаган ҳолда тез ўзлаштиради.

Илк болалик даврининг бошларига келиб болада биринчи тафаккур операциялари юзага келади. Буни биз бирон бир предметни олишга ҳаракат қила олганидан сўнг эса уни синчиклаб ўрганишида кўришимиз мумкин. Уларнинг тафаккурлари асосан кўрғазмали ҳаракатли бўлиб, у атроф оламдаги турли боғлиқларни ўрганишга хизмат қилади. Ўзидан узоқроқ турган коптокни бирон бир узунроқ нарса билан итариб юбориш мумкинлигини кўрган бола энди мустақил равишда диван тагига кириб кетган коптокни калтак ердамида олиш мумкинлигини тафаккур эта олади. Бу даврдаги болалар тафаккурида умумлаштириш катта штрин тутади. Умумлаштиришда нутқ асос ҳисобланади. Масалан, соат дейилиши бола қўл соати, осма соат, шунингдек будилрникни ҳам тушуниши керак. Лекин улар турлича бўлгани сабаб уларда умумийликни топиш бола учун бирмунча кийинроқ ҳисобланиб, бу борада фикрлаш ердамга келади ва умумлаштиришни ташкил этади, 2-3 ёшли болалар маолум бир предметларни ўрнига уларнинг ўрнини босиши мумкин деб ҳисоблаган бошқа нарсалардан ҳам фойдаланадилар. Масалан ўйин жараёнида бола чўпни қошиқ ёки термометр ўрнида, ёғочдан кроват ёки машина штрнига фойдаланиши мумкин. Бир предметни бошқаси штрнида қўллаш мумкинлигини билиш бола атроф оламини билиши, шрганишидаги ахамиятли бурилиш ҳисобланади ва у дастлабки тасаввурларни юзага келтиради. Бу ешдаги болалар энди аста-секинлик билан катталар айтиб бераётган эртак, воқеа, хикояларни, шунингдек расмда чизилган нарсаларни тасаввур эта оладилар. Эртак эшитиш жараёнида бола эртак қохрамонларини кимгадир ўхшатишга ҳаракат қилади, у ўзи мустақил эртак еки хикояларни тўқий олиши ҳам мумкин. Илк болалик даврида хотира билишдаги асосий функция ҳисобланиб, у билишнинг барча кўринишларини ривожланишида иштирок этади. Бу даврда боланинг хотираси жадал ривожланади. Боланинг ҳаётий тажрибаларни ўзлаштиришида аввало ҳаракатли, эмоционал ва образли хотира иштирок этади. Бу борада ҳаракатли ва эмоционал хотира устунлик қилади. Хотира бу ёшда асосан ихтиёрсиз бўлади. Бу даврдаги болаларга кўп китоб ўқиб бериш натижасида улар узун эртак ва шеор хикояларни эслаб қоладилар, лекин бундай эслаб қолиш боланинг умумий ақлий ривожланишидан ҳам, хотирасининг индивидуал хусусиятидан ҳам далолат бермайди. Бу илк болалик давридаги болаларнинг барчасига хос

бўлган нерв системасининг умумий эгилувчанлиги натижасидир. Ўзи ва атроф ҳаёт ҳақидаги воқеа ва ходисаларда кетма-кетлик борлиги учун ҳам уларни хали тўлиқ равишда хотирасида сақлаб қола олмайди.

Илк давридаги болалар шахсининг ривожланиши: Бу даврдаги болалар асосан ўз хатти ҳаракатларини ўйлаб ўтирмайдилар. Бу хатти –ҳаракатлар уларнинг хоҳиш ва ҳиссиётлари асосида бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг хатти –ҳаракатлари жуда ўзгарувчан бўлади. Масалан: боланинг йиглаши ҳам йигидан тўхташи ҳам жуда осон. Илк даврда болада ўз яқинларига онаси, отаси, буви-бувалари, тарбиячисига нисбатан муҳаббат шаклланади. Илк болалик даврида бу муҳаббат бошқа шаклга ўтади. Энди бола ўз яқинларидан мактов, эркалаш олишга ҳаракат қилади. Ота-оналар томонидан боланинг хатти-ҳаракатлари ва шахсий хусусиятларига берадиган ижобий эмоционал баҳолари уларда ўзига нисбатан ўз лаёқат ва имкониятларига нисбатан ишончни шакллантиради. У ўз ота-онасига ниҳоятда қаттиқ боғланган бўлиб, интизомли ва итоаткор бўлади. Ана шу боғлиқлик сабабли боланинг асосий эҳтиёжлари қондирилади, хавотирлиги камаяди. Онаси ёнида бўлган болалар кўпроқ ҳаракат қиладилар ва атроф муҳитни ўрганишга интиладилар. Бу даврда бола ўз исмини жуда яхши ўзлаштиради. Бола доимо ўз исмини ҳимоя қилади уни бошқа исм билан чақиришларига норозилик билдиради. Катталарнинг бола билан қиладиган муомала –муносабати уни ўзини алоҳида шахс сифатида англашини бошланишга имконият беради. Бу жараён аста-секинлик билан амалга ошади. Катталарнинг бола билан қандай муомала қилишларига қараб ўз «Мен»ини англай бошлаши вақтликроқ ёки бирмунча кечроқ юзага келиши мумкин. 3 ёшли бола ўзини ўз хоҳиш ва эҳтиёжларини қондириши мумкин бўлган манба деб билади ва бу унинг «Менга беринг», «Кўтаринг», «Мен ҳам бораман» каби талабларида кўринади. Уч ёшли болалар ўзларини ўзгалар билан таққослай бошлайдилар, бунинг натижасида болаларда ўз-ўзини баҳолаш вужудга келади. Шу даврдан бошлаб болаларда мустақил бўлиш эҳтиёжи юзага келади ва бу уларнинг «ўзим қиламан» қабилдаги сўзларида номоён бўлади.

3 ёш кризиси: 3 ёшга келиб бола ўзини катталар билан таққослай бошлайди ва катталар қилиши мумкин бўлган (ҳуқуқи бўлган), шунингдек улар бажара оладиган ҳаракатларни қилишни хоҳлайди. «Мен катта бўлсам машина хайдайман», «Мен сизга катта торт олиб келаман», «Менинг юзта кўғирчоғим бўлади» каби хоҳишларини ўз тили билан ифодалайди ва у келаси замонда гапирса ҳам ўз барча хоҳишларини бугуноқ амалга оширишга ҳаракат қилади. Бу кўпинча қатоийлик ва қайсарлик билан

намоён бўлади. Бу қайсарлик асосан катталарга қаратилган салбий хатти-харакат бўлади. Бола ўзини мустақил ҳаракат қила олишини англаган вақтдан бошлаб унда «Ўзим қиламан» бошланади ва бу яна қайсарлик ва ўжарлик билан кўринади. 3 ёш кризиси бола шахсининг маълум бир даражада ривожланганлиги ва катталар бажарадиган хатти-харакатларни қила олмаётганини билиши натижаси ҳисобланади. Кризис даврида юзага келадиган хусусиятлар ирода, лаёқатлар ва бошқалар уни шахс булиб шаклланишига тайерлайди.